


ИБРОҲИМ ВАЛИХЎЖАЕВ ИЖОДИГА ЧИЗГИЛАР

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи илмий ходими: Гўзал Валиева*



Тасвирий санъатда сурат орқали сийрат очиб берилсагина ҳақиқий санъат асари яралади. Ушбу икки унсур бир-бири билан шу қадар боғлиқки, бетакрор басталанган куй ва гўзал ижро уйғунлигидаги мусиқа кабидир. Ижодий йўли борлиқ сийратини тасвирлаш билан боғлаган Иброҳим Валихўжаев Ўзбекистон замонавий тасвирий санъатининг ўзига хос намоёндаларидан бири бўлиб, ўз ижоди орқали барча мухлисларини қалбидан жой олиб келмоқда.

У Наманган тасвирий санъатига ўзининг янги ўзига хос мактаби билан бирга кириб келган иқтидорли рассомлардан биридир. Ўрта мактабни тамомлагач Маннон Уйғур номли театр-рассомчилик олий ўқув юртига ўқишга кириб, уни 1993 йил тамомлади. Сўнгра шу олийгоҳда ранг-тасвир буйича дарс берди. Бир қатор ўзига хос шогирдлар етиштирди. Ўз касбига бўлган иштиёқи баландлиги сабаб 1993 йилда Наманган шаҳрида Тумор галереясини ташкил этди. И. Валихўжаев ташкилотчи раҳбар ҳамда ижодкордир. Рассом ранг-тасвир санъатининг портрет, майиший жанрларда ижод қилмоқда. Унинг ижодий ишлари Республика Тошкент, Оққўрғон, Наманган вилояти ва чет эллар Канада, Италия, Германия, Великобритания, Франция, США Филиппия, Корея ҳамда бошқа мамлакатларнинг нуфузли музейларидан, хусусий коллекциялардан ва галереялардан ўрин олган. И. Валихўжаев 1992 йилда рассомлар уюшмасига, 1997 йилдан Ўзбекистон Бадий Академияси ижодкорлар уюшмасига аъзо бўлди. Унинг юксак диди ҳаммадан айрича мушоҳадаси ўз асарларининг фалсафий ғоялари билан суғорилган. И. Валихўжаевнинг “Аёллар. Дуппилар. Суҳбат. Беклик. Осиёлик аёл. Она. Ҳовли” каби асарлари томошабинни ғоятда кучли

мушохадага чорлайди ва мантикий фикрлашга ундаб юксак санъаткорона тафаккур талаб қилади.

Ҳозирги кунда унинг Фожиа. Фасли навбаҳор. Намозгоҳ Шаббода Хотиржамлик каби бир неча асарлари Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи санъат бўлими хазинасида сақланмоқда Шу билан бирга Тошкент Давлат санъат музейида ҳам. бир қатор асарлари ўрин олган. Иброҳим Валихўжаевнинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб 2008-йилда Ўзбекистон Бадиий Академияси рассомлар уюшмаси томонидан олтин медаль билан мукофотланди.

Асарларининг аксарияти ўлкамиз манзаралари табиати, меҳнаткаш халқи ҳаёти, меъморий ёдгорликлари турли рангларда акс этирилган бўлиб, жавоҳирдай порлаб кўзга ташланади Уларни томоша қилар экансиз рассом ишларига қойил қолмай иложингиз йўқ. Унинг асарлари ҳар бир томошабинда табиатни севишга, кўз қорачиғидай асрашга чақиради. Музейимизда бу моҳир рассомнинг турли жанрларда яратган кўплаб асарлари бўлиб у вақти-вақти билан кўргазмада намойиш этиб борилади. Мавзуси ранг- баранг, кенг қамровли табиат лавҳалари севгига тўла қалб ва атроф-муҳитга хос бўлган ҳайрат билан тасвирланган ва замондошларнинг турмуш тарзи, кундалик ҳаётининг турфа кўринишлари ифодаланган.

Мана мисол учун ”Баҳор” картинасини олишимиз мумкин.



У 1987 йилда чизилган. Ушбу расмда баҳорни тўла борлигича тасвирлаган. Ҳар бир фаслнинг ўз таровати ўз зийнати бор, лекин фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг шукухи ўзгачадир. Баҳорда ўт-ўланлар ниш уриб, майсалар кўм-кўк тусда бўлади. Атрофга боқсанг она табиат гўзаллашганини кўрасан. Айниқса қатор-қатор

бўлиб турган тераклар ёнида турган икки дўстнинг мазза қилиб ҳордик чиқарганини рассом чизгиларида яққол кўриш мумкин. Рассом табиат манзарасини тараннум этиш орқали ёшларимизни она табиатга бўлган меҳр- мухаббатини оширишга чақиради.



Ислом Абдуғаниевич Каримов портрети-1993 йилда чизилган мото- мойбўёқ. Жуда кўплаб рассомлар қатори Иброҳим Валихўжаев ҳам Президент расмини чизишга киришган ва уддалаган. Биринчи Президентимиз И. А. Каримов портретида салобат тўкиб виқор билан тургани тасвирланган Сочларига оқ оралаган, ҳамиша давлат ишлари билан банд, ҳалқи бахти учун ўзини ўту-чўққа урган давлат отаси гавдалантирилган. Рассом Ислом Каримов образини меҳр билан тасвирлаб, унинг сиймосида халққа хос муҳим жиҳатлар очиқ кўнгиллилик ва самимийликни акс эттиришга эришган.



Иброҳим Валихўжаев қаламига мансуб асарлардан яъна бири “Кутилмаган тўхталиш” 1987 йилда чизилган мато мойбўёқ. Инсон яралибдики доимо интилишдадур. Лекин унга ҳаётнинг баъзи бир сўқмоқлари бир муддат интилишга

тўсқинлик қилади. Инсон ўтган ҳаётий йўлини бир муддат сарҳисоб қилишга мажбур бўлади. Асарда ҳам бу мазмун спортчи фаолиятида ўз аксини топа олган. Финишга ета олмай тўхтаган спортчи тўлақонли тасвирланган

Иброҳим Валихўжаев асарларининг ҳар бири ўз мазмунига эга ва тахсинга лойиқдир. Ушбу асарлари рассомнинг ўзига хос услуби, ҳис-туйғулари ва кечинмалари ифодаси билан мухлислар эътирофига сазовор бўлиб келмоқда. , ишларида омадлар тилаган ҳолда улардан янада кўплаб асарлар кутамиз.

Адабиётлар:

1. Садикова Н. Ўзбек миллий кийимлари: XIX–XX асрлар. – Т., 2006.
2. Манавият “асосий тушунчалар изоҳли луғати”
3. Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи. 2-том. – Т.: «Ўқитувчи»